Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 4-fevral, seshanba № 16 (3365)

Маънавият соати

Тезкор ўзгаришлар даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида келгусидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса, аввало, ўша ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур англаш лозим бўлади. Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган «Маънавият соати» Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасига бағишланди.

Ислоҳотлар — фаровонлигимиз кафолати

Унда Федерация Кенгаши, тасарруфдаги ташкилотлар ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари қатнашди.

ЎзКУФК раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев тадбирни очар экан, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтган йилги фаолият сарҳисоб этилиб, жорий йилги энг муҳим вазифалар белгилаб олинганини таъкидлади.

Шундан сўнг Тошкент Юридик университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди, доцент Раҳмон Қўчқоров юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик кўлами ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсиб, барча соҳаларда юксалиш кўзга ташланаётгани, айниқса, иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари эътироф этилди. Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланаётгани натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 2000 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этди. Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани иқтисодиётимиз таркибидаги ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Юртбошимиз маърузасида қайд этилганидек, **«Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди».** Бу каби юксак ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаяпти, албатта.

(Давоми 2-саҳифада).

Бугун мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам спортнинг энг нафис тури — бадиий гимнастика ривожига етарли муҳит яратилмоқда. Юзлаб заллар қизларнинг санъат ва спорт уйғунлигида ривожланувчи гимнастика билан шуғулланишлари учун мослаштирилди, янгилари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Соғлом ва баркамол авлод

Таъкидлаш жоизки, навқирон авлод вакиллари ўртасида спортга бўлган интилиш, меҳр тобора кучайиб бормоқда. Бугунги кунда Наманган вилоятида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 143 минг 530 нафар ўқувчи мунтазам равишда спорт билан машғул. Шундан 59 минг 166 нафари қизлар. Салмоқли ютуқларга эришаётган спортчи қизлар орасида Уйчи тумани 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида ташкил этилган Жийдакапа қишлоғидаги 18-мактабдаги тўгарак аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 2010 йилдан мураббий Нигора Ҳамдамова бошчилигида фаолият юритаётган мазкур тўгарак қатор ютуқларни қўлга киритди. Биргина ўтган йилда Нигора Исоқова «Умид ниҳоллари» беллашувининг вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. Гавҳар Умарова эса «Олтин водий» республика мусобақасида шоҳсупанинг 3-поғонасини забт этди.

— 2011 йил 30 сентябр куни вилоятимизнинг бир қатор спортчи ёшлари Юртбошимиз билан учрашиш бахтига мушарраф бўлгандик, — дейди Н.Ҳамдамова. — Мулоқот асноси Президентимизнинг меҳрини қалбдан ҳис қилдим. Қишлоқ қизларининг бадиий гимнастика билан шуғулланишига шароит яратилгани ва бундан ёшлар унумли фойдаланаётгани давлатимиз раҳбарини бағоят хушнуд этди. «Бизга нафақат чемпионлар, балки қадди-қомати келишган, гўзал, ақлан ва жисмонан соғлом қизлар керак. Шундагина, оналаримиз, фарзандларимиз соғлом бўлади» деган сўзлари мени ниҳоятда тўлқинлантирди. Демакки, бекорга жон қуйдирмаяпман. Ниятларим улуғ, ҳаракатим ҳам шунга муносиб бўлишига интилаётирман. Айни пайтда етмиш нафардан ошиқ шогирдим бор. Уларни шоҳсупаларга йўллаш асосий мақсадим.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар

Тадбир

Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Муҳим масалалар муҳокамаси

Унда ўтган йилда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2014 йилнинг устувор вазифалари, жамоа шартномалари ва келишувларининг ижроси, аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси масалалари кенг муҳокама этилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш, давлат бюджетидан молиялаштирилаётган корхона, муассаса ва ташкилотларда ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш сингари мавзулар бўйича маърузалар тингланди.

Давра суҳбати саволжавобларга бой бўлди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжаллаб имзоланган Бош келишувнинг II бўлимида меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, меҳнат муносабатларини тартибга солишда вазирлик ва идоралар билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилиши белгиланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Мажлислар залида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Меҳнат қонунчилиги — жамоатчилик назоратида» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Меҳнат қонунчилиги — жамоатчилик назоратида

Семинарда халқ таълими тизимидаги раҳбар ходимлар, ҳудудий малака ошириш ҳамда педагогика институтлари ректорлари, ҳудудий болалар спортини ривожлантириш жамғармалари директорлари, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти раис ўринбосарлари, Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати бошқарма бошлиқлари иштирок этди.

Тадбирни Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Р. Бедилов кириш сўзи билан очиб, жорий йилга «Соғлом бола йили» деб ном берилгани ва шундан келиб чиқиб белгиланган чора-тадбирларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бошланғич таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ҳамда болалар тарбиясида жамоат ташкилотларининг ролини кенгайтиришни таъминлаш таълим тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклашини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаев, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол Адилов ҳамда Марказий кенгашнинг бош юристконсулти Дилбар Муҳамедалиева ўз маърузаларида таълим тизимида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенцияларининг мазмунмоҳияти ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Айтиш жоизки, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» Республика кўрик-танловини ўтказиш йўлга қўйилган.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон ёшлари

— Дада, суюнчи беринг, халқаро танловда иккинчи ўринни эгалладим! Бу муждадан «Ҳамдам Раҳим парвози» масъулияти чекланган жамияти директори Шаҳобиддин Раҳимовнинг боши осмонга етди.

Санъатга ошуфта қалб

Аслида, 18 ёшли ўғлининг Олмаота шаҳрида ўтадиган ёш ижрочилар халқаро танловида қатнашиши унга бошданоқ катта бахт бўлиб туюлган эди. Севинчини ичига сиғдиролмай, дарҳол рафиқаси Ҳилола воқиф этди. Зум ўтмай, хушхабар қариндошлар, яқинларга тарқалди.

Ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан юзага келмайди. Дониёр болалигидан санъатга меҳр қўйди. 2006 йилда 9-мактабнинг 4-синфини тугатган болани ота-онаси маслаҳатлашиб, пойтахтдаги республика мусиқачилар тайёрлаш мактабига олиб боришди. Иқтидор эгаси чолғу йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинди.

Дониёр учун кларнет ҳаёти мазмунига айланди. Бу чолғу асбобининг сир-синоатини пухта ўзлаштириб, 2011 йили республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат лицейига ўқишга қабул қилинди. Айни пайтда у 3-босқич талабаси.

Ёш мусиқачи 2011 йили дастлабки ютуғини қўлга киритди. Яъни «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловининг дипломи билан тақдирланди. Ўтган йили эса маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлар ёш ижрочиларининг республика кўрик-танловининг 2-даражали дипломини қўлга киритди.

Бу зафар Дониёр Ҳамдамовнинг халқаро танловларда иштирок этишига замин яратди. Мутасаддилар Олмаота шаҳрида ўтадиган танловга Дониёрни тавсия этишди.

Халқаро танлов натижаси Д.Ҳамдамовга Ўзбекистон Давлат консерваториясига грант асосида ўқишга кириш имкониятини ҳам яратди. Ишончимиз комилки, ёш ижрочи янада залворли ютуқларни қўлга киритади.

Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ,
Хатирчи тумани

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган ярмарка шундай номланди. Унда юздан зиёд кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Фарғона вилоятида ҳам мазкур муҳим тармоқнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2013 йилда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 456 миллиард сўм кредит ажратилди. Янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ жойларда кўплаб хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, бу аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошлоқ туманидаги «Водий нилуфар текс», Фурқат туманидаги «Мафтунабону орзуси», Бувайда туманидаги «Нурафшон зиё текс» хусусий корхоналари ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётир. Ярмаркада шу каби кўплаб корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намойиш этилди. Маҳаллий хомашёдан тайёрланган, сифатли ва халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулотлар мутахассислар ва иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юрт фаровонлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Ғайрат Турғунов. — 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида ўтган йили 2 минг 906 лойиҳа амалга оширилди. Бугунги ярмарка уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзА

Янгиликлар оқимидан

АНДИЖОН

Андижонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят адлия бошқармаси ва фермерлар кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ҳамда аграр соҳа тармоқларини модернизация қилишнинг долзарб масалалари: таклиф ва тавсиялар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Унда қишлоқ хўжалиги тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, хусусий мулк ва ижара муносабатларига асосланган хўжалик юритишнинг янги шакллари, хусусан, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, имтиёзли кредитлар олиш ва ундан самарали фойдаланиш, мазкур соҳага солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёз ва преференциялар алоҳида қайд этилди.

Савол-жавоб тарзида ўтган ушбу мулоқот барча тадбиркор ва фермерларга мавзу доирасида кенг маълумот олиш, бу борадаги билим ва кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилди.

САМАРҚАНД

Самарқандда 2013 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

СОҲА РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Вилоят ҳокими З.Мирзаев бошқарган йиғилиш сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилиб, муҳокама жараёнларини барча маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошқарма ва идоралар, йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, коллежлар директорлари кузатиб бориш ва ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлди.

Йиғилишда эришилган ижобий натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, мазкур соҳани янада кенг ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

ЎзА

СУРХОНДАРЁ

Бойсун тумани марказида кўп тармоқли савдо маркази ишга тушди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган мажмуада харидорлар учун барча қулайликлар мавжуд.

100 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Марказда барча турдаги маҳсулотлар нақд пул ва пластик карточкалар ҳамда пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилаётир.

Айни пайтда савдо марказида 100 нафар ёш ишламоқда. Уларнинг 45 нафари коллеж битирувчиларидир.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 4-fevral № 16 (3365)

Ислоҳотлар — фаровонлигимиз кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Чунончи, мана шу биз ўтирган бинонинг асосидан тортиб, томигача инсон меҳнатининг ҳосиласи. Бу узоқ вақтни, ақлни, қунтни, истеъдодни, меҳнатни талаб қилади, тўғрими? Аммо ушбу бинони бузиш учун ақл ҳам, истеъдод ҳам шарт эмас, бир пастда бузиб ташлаш мумкин, — деди, жумладан, нотиқ. — Нимага эришилган бўлса, аввало, тинчлик туфайлидир. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, Украинада юз бераётган сиёсий бўҳрон, тартибсизликлар тинчликнинг қадри нечоғлик улуғ эканини яна бир карра исботлаяпти.

Президентимиз ўз маърузасида алоҳида тўхталиб ўтган мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, банк тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологиялари, янги иш ўринларини, бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳалардаги ўсиш суръатлари атрофлича таҳлил этилди. Мисол учун, мустақиллик даврида юртимизда қўл тегмаган мактабнинг ўзи қолмади, барчасида қурилиш, қайта қуриш, таъмир ишлари олиб борилди. Бу кўпгина мамлакатлар, жумладан, қўшни мамлакатлар билан қиёслаганда, жуда улкан муваффақият экани кўзга ташланади.

Бундан ташқари, яна бир йирик лойиҳа. **«2013 йилда хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда транспорт коммуникация соҳасида мамлакатимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўладиган яна бир йирик лойиҳани амалга оширишни бошладик. Бу ўринда сўз Ангрен-Поп йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришни кўзда тутадиган лойиҳа ҳақида бормоқда»,** дейилади маърузада.

— Ёши катта одамлар билишади. Қамчиқ довонининг аввалги ҳолати билан бугунги ҳолатида жуда катта фарқ бор, — деди нотиқ. — Шўро даврида Тошкентга қандай кўчиб келганим ҳамон эсимда. Юкларни — мебел, жиҳозларни «Камаз»га ортиб келаяпмиз. Андижондан довонга келгунимизча кеч бўлди. Кўзим ҳайдовчида — ишқилиб ухлаб қолмасин. Чунки, бу йўл ваҳимаининг уяси эди. Мустақилликнинг илк йилларидан Қамчиқ довонини қуришга алоҳида эътибор қаратилгани натижасини мана бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Ҳозирда водийда юртимиз аҳолисининг деярли учдан бир қисми яшайди. Довон эса Фарғона водийсини марказ билан, бошқа вилоятлар билан боғлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Эндиликда, «Ангрен-Поп» йўналишида темир йўлнинг қурилиши нафақат юртимиз темир йўл тизимининг яхлитлигини, балки водий аҳолисига қулайлик яратиш билан бирга, иқтисодиётимизнинг янада ўсишини таъминлайди. Евроосиё ҳудудини боғловчи, стратегик аҳамиятга эга йўлга айланади.

Жорий йил «Соғлом бола йили» дея эълон қилинди. Дарҳақиқат болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Биргина соғлиқни сақлаш тизимини олайлик. Барча ҳудудларимизда перинитал ва скрининг марказлари очилган ва аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Президентимиз маърузасидан яна бир факт. Жорий йил Корея Республикаси ҳукуматининг 103 млн. доллар миқдоридаги маблағи ҳисобидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўхшаши бўлмаган, халқаро стандартлар бўйича энг юқори ҳисобланган кўп тармоқли махсус болалар шифохонасини барпо этиш бошланади. **«...ушбу шифохона 250 та даволаш ўрнига ва бир кеча-кундузда 200 нафар болани қабул қила оладиган поликлиникага эга бўлади.»** Бу болаларимизга қаратилаётган эътибордан бир шингил, холос.

Нотиқ давлатимиз томонидан маънавиятга қаратилаётган эътиборга алоҳида урғу берди. «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорлар бунинг бир мисолидир.

— Шу ўринда Муҳаммад Юсуфнинг ўлмас сатрларини ёдга олсак:

О, ота маконим.
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним
тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
сенингдек кўркам.
Римни алишмасман
бедапоянгга...

Қизиқарли ўтган «Маънавият соати» қизғин савол-жавобларга бой бўлди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Насиба ИСМАТОВА
олган сурат

Меҳнат қонунчилиги — жамоатчилик назоратида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Таълим муассасалари раҳбарларининг меҳнат қонунчилигига оид саводхонлигини юксалтириш ҳамда бошланғич касаба уюшма фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан қўшма қарорлар қабул қилган.

Ўтган йили «Обод турмуш йили» дастурига асосан Марказий кенгашнинг Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан коллеж ўқувчилари учун меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича давра суҳбати уюштирилди. Шундай тадбир пойтахтимиздаги Чилонзор педагогика коллежи ҳамда Мирзо Улуғбек геодезия ва картография касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилди. Марказий кенгаш масъул ходимлари ҳар бир фуқаронинг мурожаат ва илтимосини тинглаб, муаммоларини қонуний ҳал этишга кўмаклашди. Касаба уюшма фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида 50 та таълим муассасасига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Марказий кенгашга ўтган йил давомида 38 та оғзаки, 59 та ёзма мурожаат келиб тушган. Улар ўрганилиб, 34 таси ижобий ҳал этилди. Қолган мурожаатлар бўйича тегишли тартибда тушунтириш берилди.

Тармоқ тизимида фаолият олиб бораётган касаба уюшма фаоллари иштирокида меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби тўғрисида 41 та ўқув-семинар ва давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга иш фаолиятлари давомида зарур бўладиган меҳнат қонунчилигига оид тарқатма материаллар берилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

Сутга чайилгандек оппоқ, тилларанг сочли, мовий кўзли Ангелинани қўлга олиб суймаган бирор кимса қолмади. Қизалоқ қушчага ўхшаб тинмай чуғурлар, аммо унинг нима деяётганини тушуниб бўлмасди.

Меҳрдан яралган дунё

Онаси шу кетганча қорасини кўрсатмади. Кўз очиб-юмгунча бир йил ўтди. Энди аввалги Ангелинадан асар ҳам қолмаган, у мунғайиб бир четда ўтирар, кўзларида соғинч, дард акс этарди. Бора-бора сўлиб, касал бўлиб қолди.

Шундай кунларнинг бирида дарвозада она кўринди.

— Ойи, ойижон, — дея ҳайқирди қизча ва аёлнинг истиқболига югурди...

— Ўн уч йилдан буён шу ерда ишлайман, ўн уч йилдирки, 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган 133 нафар болакайни тақдирнинг қайси шамоли бу ерга олиб келганини ўйлайман, — дейди Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйи директор ўринбосари Ирода Турсунова. — Улардан кўпчилиги кўз олдимда улғайиб, йўлларини топиб кетишди. Шулардан бири ҳарбий офицер Феруз Назаров. У болалигида оққувадан келган, озғингина эди. Бўшанг кўринса-да, қатъиятли бўлиб, сингиллари Юлдуз ва Дилсўзнинг (улар бирга келишганди) юриш-туришини, ўқишини назорат қиларди.

Илк бор Феруз келганида танимадик. Ҳарбий либосда жуда пўрим, савлатли кўринар, паҳлавон келбатли йигит бўлганди. Нимасини айтасиз, «Меҳрибонлик» уйида улғайиб, мустақил ҳаётга учирма бўлганлар жуда кўп. Улар улуғ айём кунлари бизни йўқлашади, турли совғалар келтириб, тарбияланувчи ука-сингилларини хурсанд қилишади. Гапнинг рости, бу ерда барча шароит муҳайё, бироқ нечоғлик ҳаракат қилмайлик, бор меҳримизни бахшида этмайлик, ота-оналари ўрнини босиш қийин. Дам олиш кунлари ва байрамларда йўлга интизор болаларнинг кўзлари шамчироққа айланади. Гарчи ҳамма ноз-неъмат бисёр бўлса-да, болалар ота ёки онаси олиб келган арзимас нарсаларни асраб-авайлаб сақлашади ва неча кунлар мақтаниб юришади. Шундай кезларда кўзимиздаги ёшни зўрға яширамиз. Истардикки, бирор бола ота-онасиз ўсмасин, бирор она жигарбандини болалар уйига топширмасин!

Республикамиздаги бошқа «Меҳрибонлик» уйлари каби ушбу даргоҳда ҳам болалар учун барча қулайликлар яратилган. Масалан, гуруҳ хоналарида телевизор, компютер, иситгич ва совитгич мавжуд. Оила шароитига яқин бўлиш учун хоналарга қалин гиламлар тўшалиб, хонтахта қўйилган ва атрофига кўрпачалар солинган. Ётоқхоналарда ҳам шароит кўнгилдагидек. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ҳамиша гавжум. Тиббиёт хонаси зарур инвентар ва дори-дармонлар билан таъминланган. Болаларга қувватли ва тўйимли овқатлар берилаётир. Улар шаҳардаги 1, 16, 18-умумтаълим мактабларида сабоқ олишади. Дарслардан бўш вақтларида шуғулланишлари учун моҳир қўллар, рассомчилик, бадиий ҳаваскорлик, компютер, спорт тўгаракларида мунтазам ишлаб турибди. Бундан ташқари, шаҳар ҳудудида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги, «Фарҳод» маданият, «Сўғдиёна» спорт саройларидаги тўгаракларга қатнашчилар кўпчиликни ташкил этади. Глинка номидаги 1-мусиқа мактабида 30 нафар тарбияланувчи санъатнинг турли йўналишларида таҳсил олаётир.

— Саъй-ҳаракатларимиз ўғил-қизларимизни соғлом ва эсли-ҳушли қилиб тарбиялашга йўналтирилган, — дейди «Меҳрибонлик» уйи касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳафиза Ҳусанова. — 84 нафар жамоа аъзоси шу мақсадда меҳнат қилмоқда. Энг аввало, уларга одоб-ахлоқни ўргатиб, қалбларида она-юртга, табиатга меҳр, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантирамиз.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Йиғилиш

Юртимизда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Халқ усталари, ҳунармандлар, мусаввирлар «Ҳунарманд» уюшмасининг 2013 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Йил сарҳисоби

Уюшма кенгаши раиси М.Қурбонов ўтган йили бажарилган ишлар хусусида сўз юритиб, ижобий самараларга эришилаётганини таъкидлади.

Жумладан, ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни намойиш қилиш, улар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш ва рақобат муҳитини яратиш мақсадида йил давомида бир неча бор кўргазмалар ташкил этилди. Натижада, 2012 йилга нисбатан ўтган йили 13107,6 млн. сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилиб, сотилди ва ўсиш суръати 114 фоизга етди.

Миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни ўзбекона қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида уюшмада ҳозирда 716 та «Уста-шогирд» мактаби фаолият юритмоқда. Уларда 3580 нафар ёшга ҳунар сирлари ўргатилди. Касаначиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Уюшма ва унинг ҳудудий бошқарма ҳамда бўлинмалари томонидан 728 та касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Тадбиркор ҳунармандларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муайян ишлар қилинди. Хусусан, ҳамкорликда ташкил этилган семинарларда ҳунармандчиликнинг ҳуқуқий асослари, соҳа ривожи учун яратилаётган имконият ва солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумотлар берилди. Ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялаш ҳам эътиборда. Хусусан, «ISHONCH» Банкларо суғурта компанияси билан шартнома тузилиб, 1400 нафар уюшма аъзоси суғурта қилинган. Ҳунармандлардан тушган мурожаатлар кўриб чиқилиб, муаммолари бартараф этилган.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Рустем Утемуратов Президентимиз Фармонига кўра «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Эл-улус коригa яраш ҳеч қачон беиз кетмаслигига у яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Ўша кун нафақат хонадон эгалари, балки туман аҳли — шуманайликлар учун ҳам қувончли бўлди.

Назарга тушган йигит

Умумтаълим мактабида ўқиб юрган пайтларида Рустемнинг аниқ фанларга, айниқса, математикага қизиқиши бўлакча эди. Зеҳни ўткир шогирдининг иқтидорини пайқаган Соғинбой оға Калжанов уни қўшимча дарсларга жалб эта бошлади. Фарзандидаги истеъдодни сезган Муратбой оға Рустемнинг ўқишга бўлган иштиёқини рағбатлантириб, етарли шароит яратиб беришга ҳаракат қилди. Ўзи масъул котиб бўлиб ишлаётган «Шоманай нуры» газетаси иш фаолияти бўйича Нукусга ёки Тошкентга борса, албатта, фарзандлари учун китоб оларди. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, оила кутубхонасидаги китобларнинг сони уч мингдан ортди. Онаси Ақлима опа мактабгача таълим муассасасида ишлагани боис ҳам фарзандларининг тарбиясига талабчанлик қилар, ўғли Рустемдан эса умиди катта эди. Ўғлини ёзги таътилда «Дев ауил» даги Обилла тоғасиникига юборганида ҳам, у ўзи билан бир қучоқ китоб кўтариб оларди.

Рустем мактабни тугатгач, Қорақалпоқ Давлат университетига ўқишга кирди. Ўқув даргоҳини тамомлаб, ўзи туғилиб ўсган Шуманай тумани халқ таълими муассасалари ишларини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлимига ишга жойлашди. 2011 йилдан бошлаб 16-умумтаълим мактабида ўқувчиларга информатика фанидан дарс бера бошлади. Ҳозирда унинг иқтидорли шогирдлари анчагина. Улардан бири 9-синф ўқувчиси Собир Соғатов ўтган йили Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши ахборот таълим ресурслари» кўрик-танловининг якуний босқичида 2-ўринни эгаллади. Собир устози билан биргаликда мактаб веб-сайтини ҳам яратди.

— Сафимизда ўз ишининг жонкуяри Рустем Утемуратовдек аъзолар борлигидан мамнунмиз, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Жалғас Жумабаев. — У меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги билан ҳамкасблари орасида ҳурматга эришиб, маънавий-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида меҳнат қиляпти. Унинг оиласи ҳам ибратли. Турмуш ўртоғи Меҳрижамол билан фарзандлари Дамир ва Чаменгулни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ислоҳот ва инсон омили

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидаёқ, бозор иқтисодиёти талабларига дош беролмай инқирозга учраган корхоналар мулк шаклини ўзгартириб, янгидан оёққа туриб олди.

Янгиланишнинг

Қарши шаҳридаги тикувчилик фабрикаси ҳам шундай дамларни бошдан кечирди. 1994 йили корхона очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, «Санам» очиқ ҳиссадорлик жамияти» дея номланадиган бўлди. Ўша пайтлари ҳам жамоада юзлаб одам меҳнат қиларди. Лекин номи ўзгаргани билан, фаолиятида жиддий ўзгариш рўй бермаса, бекор экан. Вақтинчалик ҳавойи «ислоҳот»дан сўнг, тез орада корхонада ишлаб чиқариш тизимлари ишдан чиқиб, рентабеллик даражаси пасая бошлади. Ойлик маош бир аҳволда, одамларнинг ишдан кўнгли совиди.

2009 йилга келиб корхонада 33 нафар ишчи-хизматчи қолди. ОАЖни оғир аҳволдан қутқариш керак. Корхонанинг иш ҳақи ва солиқдан қарздорлиги тобора кўпайиб борарди. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак?

ЖЎЯЛИ ФИКР

Ўша вазиятда кимдир енгил саноат «тили»ни биладиган, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қодир, ҳисоб-китобни яхши тушунадиган ишбилармон раҳбар кераклигини айтди. Жамоа бу борада кўп изланди. Барибир, чора топилмади, ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмади. Аммо тикувчилик фабрикасини жонидай азиз кўрадиган уч-тўрт хотин-қиз билан иш давом этди. Касбга, корхонага бўлган муҳаббат, қоларверса, умидворлик, сабр-тоқат ушлаб турарди уларни.

Ва ниҳоят, шундай одам топилди. Бу — Саъдулла Бобоқулов эди. У корхона ишини яхши тушунадиган инсон. Қандай қилиб даромад топиш йўлларини ҳам билади. Бинобарин, у вилоят ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмасида, яна бир қатор савдо уйларида фаолият кўрсатган. Айнан шу инсон — вилоят савдо-саноат бошқармаси бошлиғи, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати. С.Бобоқулов «Санам» масъулияти чекланган жамият тарзида фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқ деган фикрни илгари сурди. Бу таклиф қўллаб-қувватланди. 2009 йил 28 ноябрда «Санам» тикувчилик фабрикаси МЧЖ таъсисчиларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда С.Бобоқуловнинг таклифи билан бир неча киши, шунингдек, «Ўзенгилсаноат» ДАК ҳамда «Сарбон Кафолат сервис» МЧЖ тикувчилик фабрикаси — «Санам»ни қўллаб-қувватлашга қарор қилишди.

Сал фурсат ўтиб, корхонанинг бир қанча катта-кичик қарздорликлари узилиб, 150 та иш ўрни яратилди. Коллежни тугатиб, иш тополмай юрган қизлар, олдиндан синашта бўлган мутахассислар ишга жалб этилди. Жамоанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига кузатув кенгаши раисини сайлаш масаласи қўйилди. Жамоадагилар Саъдулла Бобоқуловни «Санам» тикувчилик фабрикаси МЧЖ кузатув кенгаши раиси этиб сайлашди. Кўп ўтмай, маҳсулотлар харидоргирлиги билан тилга тушди. Зотан, маҳсулот пешма-пеш ишлаб чиқарилиб, сотила бошланган эди.

— Бунга сабаб, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашда ҳамжиҳатлик асосида фаолият юритганимиз бўлди, — дейди МЧЖ кузатув кенгаши раиси. — Ҳамжиҳатликда гап кўп экан. Шу асосда корхона модернизацияланиб, техник ва технологик қайта жиҳозланди.

Россия, Бирлашган Араб Амирлиги, Хитой давлатларидан олиб келинган хом ашёлардан тайёрланган маҳсулотларнинг эксклюзив дизайни ва сифатлилиги воҳа аҳли эътирофига сазовор бўлди. Бугунги кунда тикувчилик фабрикаси цехларида жаҳон андазалари талабларига мос келадиган 40 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Дилбар Расулова, Сайёра Хўжакулова, Гулсум Каримова, Дилфуза Ибрагимова, Лола Наврўзова Мавлуда Йўлдошева, шунингдек, Ғулом Орзиев Останақул Аллаёров, Намоз Хидирназаров, Обидхон Ҳамидов, Ёқуб Норматов каби ишчи-хизмат-

Молия муассасаларида

Банкларга бўлган ишонч ортиб бормоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида оламшумул ютуқларга эришилди. Бу борада банкларнинг хизмати алоҳида аҳамият касб этди. Жумладан, 2013 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 6 трлн. 981 млрд. сўм миқдорида ёки 2012 йилга нисбатан қарийб 1,3 баробар кўп кредит маблағлари ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобига 350 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Ажратилган микрокредитлар ҳажми 1 трлн. 366 млрд. сўмдан ортиқ бўлиб, аввалги йилларга нисбатан 1,3 баробарга ўсди. Буни юртимиз тадбиркорлари, хорижлик ишбилармон ва мутахассислар томонидан билдирилган қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди.

Ботир ИСМАТОВ,
«Эл олқиши» МЧЖ раҳбари (Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани):

— Узоғимизни яқин қиладиган автомобилларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Болалигимдан ана шу «темир» дастёрга меҳр қўйдим. Турли русумдаги автомобилларга хизмат кўрсатадиган устахона очиш ҳақида кўп режа тузганман.

Орзуимни амалга ошириш учун ушбу соҳани пухта ўргандим. Лекин молиявий маблағ масаласи режамга узоқ вақт тўсқинлик қилди. Республика Марказий банки мутахассисларининг туманимиз тадбиркорлари билан ташкил этган учрашуви мушкулимни осон қилди. Учрашувда иштирок этиб, мутахассисларга лойиҳам бўйича таклиф бердим. Уни амалга ошириш учун маблағим йўқлигини ҳам айтдим. Банк мутахассислари бизнес лойиҳам билан танишгач, уни қўллаб-қувватлаб, шу залда иштирок этаётган «Қишлоққурилишбанк» раҳбарига лойиҳамни молиялаштиришда амалий кўмаклашиш бўйича тегишли топшириқ беришди. Шундан сўнг кредит олиш учун ариза, бизнес лойиҳа ва зарур ҳужжатларни банкка тақдим этиб, ҳеч бир муаммосиз қисқа муддат ичида «Кишмиштепа» кўчасида жойлашган автомобилларни таъмирлаш устахонасини 100 млн. сўмга сотиб олдим.

Банкларнинг кредитидан самарали фойдаланиш фаолиятнинг юксалишига олиб келаркан. Бугунги кунда корхонамизда 15 нафар маҳалладошим меҳнат қилмоқда. Олган фойдамдан оиламнинг иқтисодини мустаҳкамладим, турар жойларни ободонлаштиришда ҳисса қўшяпман. Айтмоқчиманки, Марказий банк мутахассислари маслаҳати туфайли бугунги кунда ўз мулкимга эга бўлдим. Ишонч ҳосил қилдимки, аввалambor, ҳар бир тадбиркор ўз олдига қатъий мақсад қўйиши лозим. Зеро, интилганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган. Банклар бор экан, халқимизнинг фаровонлиги янада ошаверади.

Иззат НАСИРОВ,
«Ангрен истиқбол барака» фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шахсан Президентимиз томонидан фермерларнинг қўллаб-қувватланиши менга катта куч ва шижоат бағишлайди. 2012 йилда яхши ниятлар билан аҳолига сифатли сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш учун иссиқхона қурдик. Албатта, бу иш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда туманимиздаги «Қишлоққурилишбанк»дан олган 220 млн. сўм кредит катта мадад бўлди.

Ҳозирги кунда туман аҳолисига сифатли сабзавот маҳсулотлари етказиб беряпмиз. Шу ўринда банкларнинг фермерларга кўрсатаётган ёрдами ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Айтайлик, пахта ёки ғаллани экишдан бошлаб, ҳосилини йиғиштириб олгунга қадар бўлган машаққатли ишда, албатта, банкнинг кўмаги жуда қўл келяпти. Ерга ўз вақтида минерал ўғит солмасангиз, кўзлаган ҳосилни ололмайсиз. Туманимизда кўпгина фермерлар банкларнинг молиявий маблағлари эвазига интенсив боғлар барпо қилмоқда. Уч йил олдин олма, нок каби ҳар хил мевали дарахтларни эккан фермер бугун тонналаб ҳосил олиб, аҳоли дастурхонини тўкин этмоқда.

Банклар ҳақида доимо тўлиб-тошиб гапираман. Бунга катта асосим бор. Банк ёрдами билан орзуимга эришдим, ўз маблағимга эга бўлдим.

Замир АДИЗОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси (Бухоро вилояти):

— Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банклар томонидан катта аҳамият қаратилмоқда.

Республика Марказий банки томонидан вилоятда ўтган йили бир неча маротаба ёшлар, тадбиркорлар иштирокида амалий учрашувлар ўтказилди. Шу учрашувларда ўзим ҳам иштирок этдим. Тадбиркорликни рағбатлантириш борасида яратилган имтиёз ва преференциялар, бизнесни бошлашнинг сир-асрори ҳақида мутахассислар батафсил тушунча беришди. Кўплаб ёшларга банклар томонидан имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Банкларда ресурс маблағларининг етарлилиги тадбиркорлар учун катта мадад бўлмоқда. Биргина 2013 йил давомида бухоролик тадбиркорларга 315 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Кредитлар ҳисобига янги корхоналар очилди. Вилоятнинг экспорт салоҳияти мустаҳкамланди, валюта тушуми кўпайди. Энг муҳими, аҳоли, айниқса, ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланди.

Бугун вилоятнинг хоҳлаган тижорат банкига борсангиз, мижозларнинг кўплигига кўзингиз тушади. Эътиборлиси, банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, улар учун барча шароитлар яратилган.

Тижорат банклари томонидан самарали ишлар амалга оширилаётганини оммавий ахборот воситалари орқали ҳар куни кузатиб боряпмиз. Буларнинг барчаси юртимизда банклар иши тўғри йўлга қўйилганлиги, банк тадбиркор учун ишлаётганлигидан далолат беради. Буни нафақат халқимиз, хорижлик меҳмонлар ҳам эътироф этишмоқда.

Ютака ЦУДЖИНАКА,
Цукуба университетининг фахрий доктори (Япония):

— Мамлакатингиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес соҳасини молиялаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар менда катта таассурот қолдирди. Чунки, жаҳонда рўй бераётган глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши улкан ютуқдир. Биз жойларда бўлганимизда бу борадаги ишларнинг гувоҳи бўлдик. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётганлиги, тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг каттагина қисми экспортга йўналтирилаётганлиги юртингизда кичик бизнес соҳаси қай даражада ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан яратилган ишбилармонлик муҳити тадбиркорларнинг ана шундай улкан муваффақиятларга эришишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Абрам РОККО,
Ўзбекистон — Италия ассоциацияси президенти (Италия):

— Ўзбекистоннинг юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиш борасида босиб ўтган йўлига, айни пайтда амалга оширилаётган ислоҳотларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Давлатингиз раҳбари томонидан мамлакат ёшларига яратилаётган имтиёзлар эътиборимни жалб қилди. Сабаби, юрт келажагига назар ташламоқчи бўлган киши, аввало, ёшлар билан мулоқот қилиб, уларнинг илм-фан бобидаги ютуқлари билан танишмоғи лозим. Зотан, ёш авлод Ўзбекистоннинг эртанги тақдири учун масъулдир. Яна таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, давлатингизнинг тижорат банкларида кичик бизнесни, хусусан, ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар сафидан ўрин олишдек олий мақсад мужассам эканлигига аминман.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

Матбуот анжумани

Аҳолига қулайлик

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида изчил фаолият юритаётир. 2000 йилда (республика бўйича) 2000 тага яқин йўловчи ташиш йўналишлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 4280 тага етди. Хизматлар бозорида рақобат муҳитини шакллантириш ва барча ташувчиларга тенг шароит яратиб бериш мақсадида вилоят, шаҳар ҳокимиятларидаги комиссиялар ҳамда агентлик қошидаги идоралараро комиссия томонидан йўловчи ташиш йўналишлари очиқ тендер танловлари орқали жойлаштириляпти.

Ўтган йилда жами 133 та очиқ тендер танлови ўтказилди. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда йўналишларда йўловчилар оқими ва аҳоли эҳтиёжи доимий тарзда ўрганилиб, автокорхоналардаги мавжуд автобусларни янгилаш борасида ҳам амалий ёрдам кўрсатилаётир. Масалан, 2013 йилнинг 31 декабрига қадар Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли автобуслардан 528 таси лизинг асосида сотиб олиниб, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Автотранспорт хизматлари ва сервисни ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш, аҳолига, жумладан, қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари ҳамда сервис даражаси ва сифатини ошириш доирасида йўналишли транспорт тармоғи ривожланмоқда. Ўтган йили 95 та йўналиш очилиши режалаштирилган бўлса-да, амалда 181 та ташкил этилиб, ушбу йўналишларда хизмат кўрсатиш учун 205 та автобус, 117 та микроавтобус, 998 та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари ажратилди. Натижада, республиканинг энг чекка қишлоқларида ҳам йўловчи ташиш транспорти хизмати йўлга қўйилишига эришилди. Шунингдек, агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга 2940 та лицензия ва 180 938 та лицензия варақалари тарқатилди.

Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори чиққунга қадар жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 314 тани ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра улар сони 2540 тага етди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши режасига биноан 34 та хўжалик юритувчи субъектларнинг автотранспорт фаолияти текширилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ва солиқ идоралари ходимлари билан ҳамкорликда 4039 та қўшма рейд ўтказилди.

Дарё транспортини ҳисобга олиш, таснифлаш, техник ҳолатини назорат қилиш ва белгиланган муддатларда кўрикдан ўтказиш мақсадида 11 та корхона билан ўзаро шартнома тузилди. 35 та дарё транспорти воситаси техник кўрикдан ўтказилди, 3 та дарё транспорти воситаси рўйхатга олинди. 400 тонна юк кўтаришга мўлжалланган БНП-400/А баржасининг қурилиш лойиҳаси регистр билан келишилиб, баржани қуриш регистрнинг техник назорати бўйича ниҳоясига етказилди.

Агентликнинг 2013 йил якунларига бағишланган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

Отчет о деятельности Общественного фонда «MEHRNURI» за 2013 год

Негосударственная некоммерческая организация Общественный благотворительный фонд «Mehrnuri» создан в июле 2004 года (свидетельство о регистрации Министерства юстиции РУз. № 582 от 06.07.04 г.). Общественный фонд «Mehrnuri» («Луч милосердия») является негосударственной некоммерческой организацией, осуществляющей свою миссию на основе традиций милосердия, щедрости, солидарности и духовного единства людей.

Фонд проводит масштабные проекты по оказанию материальной и финансовой помощи многодетным и малообеспеченным семьям, спонсорской помощи медицинским, общеобразовательным и другим социальным учреждениям, непосредственно занимающимся сохранением здоровья и воспитанием молодого поколения, а также оказывает содействие малому и среднему, семейному и женскому бизнесу и осуществляет поддержку одаренной молодежи.

Так в 2013 году были проведены следующие мероприятия:

Ежегодная программа «Гранты на развитие семейной предпринимательской деятельности»
Программа стипендий для одаренных студентов
Благотворительная акция «Ифторлик»
Благотворительное мероприятие по оказанию спонсорской помощи высшим и средним специальным учебным заведениям в системе Управления мусульман Узбекистана
Программа образовательных грантов
Ежегодная программа «Гранты на развитие малого и среднего предпринимательства и фермерства»
Ежегодная благотворительная акция в честь 9 мая «день памяти и почестей»
Благотворительная акция «История Родины»

Расходы Фонда за 2013 год составили 922 000 000 сум.
Доходы Фонда от благотворительной помощи составили 1 468 618 000 сум.

ПАРТНЕРЫ ФОНДА:
Общественный фонд «Форум культуры и искусства Узбекистана»
РОО «Женское собрание»
Центр молодежных инициатив «Келажак овози»
Общественный фонд «Фонд поддержки социальных инициатив»
Национальная ассоциация электронных средств массовой информации
Народный банк Республики Узбекистан
Ассоциация деловых женщин Узбекистана
Управление мусульман Узбекистана
Благотворительный фонд «Махалля»
Торгово – промышленная палата Узбекистана

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ УЧРЕЖДЕНИЯ:
Министерство народного образования Республики Узбекистан
Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан
Министерство здравоохранения Республики Узбекистан
Министерство труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан
Органы государственной власти на местах (Совет Министров Республики Каракалпакстан, Хокимияты областей и г. Ташкента)

Услуги лицензировано.

ёрқин тимсоли

чилар билан бошланган иш хайрли кечаяпти.

ҲАММАСИ РЕЖА АСОСИДА

Замонавий услубда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий шароитга мослаштирилди. Технологик жараёнлар янгиланиб, ишлаб чиқариш цехларида материаллар, энергия сарфини камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархи кескин пасайди. Бобоқуловнинг рационализаторлик таклифлари билан бир қанча ишлар амалга оширилди. Чунончи, 10 дона лампочка нисбатан кам харажат талаб қиладиганига алмаштирилиб, бир йилга 1200 кв.т ўрнига, 360 кв.т электр қуввати сарфланадиган бўлди. Шунингдек, ишлаб чиқариш цехларида бир йилда ишлатиладиган 100 волтлик 600 дона лампочка ўрнига ҳам кам харжли муқобили ўрнатилди, 5760 кв.т энергия ишлатилиб, 6360 кв.тни тежашга эришилди. Бу — тежамкорлик, корхонада жорий этилган ислоҳотларнинг биттаси, холос. Айниқса, ўтган икки йил мобайнида бу каби тадбирларнинг бир қанчаси амалга оширилди.

2012 йил корхона ривожи учун Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлимидан 400 миллион сўм кредит олинди. Ушбу кредит асосида Бирлашган Араб Амирлигидан замонавий дастгоҳлар ва ёрдамчи маҳсулот (ип, игна, тугма, дублирин)лар олиб келинди. Олдинги дастгоҳлар ҳам замонавий ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Ўтган йилда Миллий банкдан яна 400 миллион сўм, «Асакабанк»дан эса жами 700 миллион сўм кредит олинди. Ишлаб чиқариш цехларига Хитойдан 51 дона «Yamata», 22 дона «Tupical» тикиш, 99 миллион 564 минг 625 сўмлик «Fusing Machine» пресслаш, Германиядан 2 дона «Brother» тикиш ҳамда Ҳиндистондан 2 дона «Aksa» пресслаш дастгоҳлари олиб келтириб ўрнатилди.

Корхона фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан аввалдан ўйлаб юрилган мақсадни амалга оширишга киришилди. «Санам» тикувчилик фабрикаси МЧЖ негизида 2010 йил январида «Лола — жаҳон Маликаси», 2012 йил апрел ойида «Тикувчи Санамлар», октябр ойида «Чевар тикувчилар», шунингдек, 2013 йил июлида эса «Лекала Фурнитура Комфорт» МЧЖ ҳамда калава ипни бўз мато қилиб ишлаб чиқарадиган «Қамаши ХБК»ларга асос солинди. Бугунги кунда жами ишловчилар сони 700 дан ортиқ кишини ташкил этаяпти. Буларнинг сафида тикувчи-касаначилар ҳам бор. Раҳбарият таклифига кўра, воҳадаги енгил саноат корхоналари фаолиятини бирлаштириб, мувофиқлаштириш мақсадида «Қашқадарё енгил саноат уюшмаси» ташкил этилди. Пахтадан тайёрланган матодан тикилган эркаклар кўйлаги ҳамда махсус иш кийимлари, шунингдек, чойшаблар, нафақат Қарши шаҳри ёки вилоят савдо расталарида, қолаверса, республика бозорларида ҳам сифатли ва арзонлиги билан алоҳида ажралиб турибди.

САНАМЛАР ОРЗУСИ

Ишлаб чиқариш жараёнлари шиддат билан олиб борилаяпти. Айни пайтда бир кунда 2800 дона, бошқача айтганда, 90 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Муҳаббат Инатова, Моҳигул Ҳамидова, Муҳтарам Ҳайдарова, Саломат Эрматова, Гулзода Бозорова каби тикувчилар бу борада барчага ўрнак бўлишмоқда. Мавлуда Йўлдошева ҳам корхонада анчайин меҳнати сингган етук мутахассис. У айни пайтда «Санам» тикувчилик фабрикаси МЧЖ директори.

— Опа-сингилларимизнинг фидойи меҳнати ва шижоати билан юзага чиқаётган бу маҳсулотлар юзимизни ёруғ қилиб, кўнглимизга ғурур бағишлаяпти, — дейди Мавлуда Йўлдошева. — Орзуларимиз бирма-бир рўёбга чиқаяпти. Бир куни биз ҳам ўз маҳсулотларимизни экспорт даражасига чиқарамиз. Бунга ишончим комил.

Айни пайтда самарадорликни таъминлайдиган 1700 минг АҚШ доллари қийматига тенг бўлган матоларни бўяш цехи ишини йўлга қўйиш режалаштирилган. Пировард мақсад эса воҳанинг енгил саноатни ривожлантириш борасидаги имкониятларини юзага чиқариш ва халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

Илҳом КАРОМОВ

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 4-fevral № 16 (3365)

Оила — тарбия дорилфунуни

«Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга...»

ёхуд ҳавас ва ҳайрат боиси

Буюклик аслида инсоннинг жавҳарида бўлади. У муносиб муҳитда шаклланиб, мувофиқ шароитда рўёбга чиқади.

Буюк зотларнинг барчаси болалигидан фавқулодда қобилияти, беқиёс зеҳни, ҳайратангиз қувваи ҳофизаси ва бошқа мўъжизакор хусусиятлари билан ажралиб турган. Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек уларнинг истеъдодлари жуда эрта куртак ёзган.

Буюклик силсиласининг бебаҳо гавҳари бўлган Алишер Навоий ўзининг улуғворлик хислатини болалигидаёқ намоён этган. Оила — инсон тарбияси ва камолотининг энг олий дорилфунуни. Инсонлик биносининг тамал тоши оилада қўйилади.

Буюклик нишонаси билан туғилган Алишер Навоий ҳам мўътабар ва маърифатли хонадонда униб-ўсди. Отаси Ғиёсиддин Кичкина шоиртабиат инсон, тоғалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммадали Ғарибий шоир бўлганликларидан уларнинг хонадонида шеърият мухлислари тез-тез йиғилиб, адабиёт ва санъат ҳақида қизғин суҳбатлар қурар эдилар. Ўз-ўзидан, бу даврлар ёш Алишер тақдирида беиз кетмади. Уларнинг бирида уч ярим яшар Алишер машҳур мутасаввиф шоир Қосим Анворнинг бир байтини ўқиб, ҳаммани қойил қолдиради. Кейинчалик «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг аввалги мажлисини шеърлари ва ваъзлари Ҳиротда кенг шуҳрат тутган, тариқатдаги мақоми шеъриятдаги мавқеидан юксак бўлган темурийлар давридаги тасаввуфнинг мазкур йирик намояндаси номи билан бошлар экан, уч билан тўрт ёш орасида бўлганимда ёд олган илк шеърим шайх-шоир ғазалининг ушбу матлаи эди, деб маълумот беради:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.

Мазмуни: «Жаҳонга ўт қўювчи ёқаси чок ошиқу риндларміз. Сенинг ғаминг давлати турганда дунё ташвиши билан зарра ишимиз йўқ».

Ғиёсиддин Кичкинанинг ўзи ҳам замона фозилларидан бўлгани туфайли ўғлининг фазилат ва камолот касб этиши учун қайғурди. Алишер тўрт ёшни тўлдирганда уни мактабга беради. У темурийзода Ҳусайн Бойқаро билан бирга таҳсил олади. Мактабдаёқ дарсларни ўзлаштиришдаги ноёб лаёқати, ўткир зеҳни, кучли хотираси билан ҳаммани ҳайрон қолдириб, овозаси оғиздан-оғизга ўтади.

Беш-олти ёшларида эса авлиё шоир Фаридиддин Атторнинг сўфиёна мазмундаги «Мантиқ ут-тайр» («Қуш нутқи») достони унинг эс-ҳушини ўғирлайди. Бу асар ёш Алишерга шу даражада кучли таъсир кўрсатадики, у ўзини одамлардан четга оладиган, ёлғизликни ёқтирадиган бўлиб қолади. Бундан ташвишга тушган ота-онаси унга бу китоб мутолаасини ман этишади. Лекин бу тақиқлар беҳуда бўлиб, у 4600 байт (9200 мисра)дан иборат бу достонни ёд олиб улгурган — байту мисраларини ёддан такрорлаб, уларнинг ботиний маъноларини чақишга ҳаракат қилар эди. Умрининг ниҳоясида унинг таъсирида назира тарзида яратган «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») достонида бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

Менга ул ҳолатда табъи булҳавас,
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди мултамас.
Топти сокин-сокин ул такрордин,
Сода кўнглум баҳра ул гуфтордин.

«Алишернинг Аттордек буюк шоирни тушуниб, унинг руҳига кириб, достонига жондан берилиб кетиши — Навоийдаги даҳонинг илк уйғониши эди, деб айтишга асос беради», — деб лутф этган эди таниқли адабиётшунос Иззат Султон. — «Мантиқ ут-тайр» билан танишув Алишерни бир умр шеъриятга боғлади».

Маълумки, Шарқда бадиий сўзнинг мақоми юксак, шунга мувофиқ, шоир олдига қўйиладиган талаблар кучли бўлган. Айтайлик, шоирлик ҳавасидаги киши ўзидан олдин ўтган буюк сўз санъаткорлари меросидан 30 минг ва таниқли замондош қалам аҳли ижодидан 20 минг — жами 50 минг байт (100 минг мисра) шеърни ёд билиши шарт ҳисобланган. Алишер Навоий ҳам «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида йигитлик чоғида эллик мингдан ортиқ байтни ёд билибгина қолмай, улар устида фикр юритиб, мағзини чаққан, таҳлил қилиб, муаллифлар маҳоратига баҳо берган. Мутолаа борасида эса мен такрор-такрор ўқимаган шеърлар девони жуда оз эди, дейди.

«Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») девонлар туркуми дебочасида айтишича, у етти-саккиз ёшларидан шеър ёза бошлаган. Бу намуналарнинг «Ғаройиб ус-сиғар» («Ёшлик ғаройиботлари») девонига киритилганлиги унинг илк машқлариёқ бебаҳо сўз дурдоналари бўлганлигини кўрсатади. «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асаридаги буюк форс-тожик шоирлари таъсирида ҳали шеър даражасида бўлмаган дастлабки машқлари анъанага кўра форсийда бўлганлиги ҳақидаги камтарона эътирофларидан келиб чиқсак, у бешолти ёшидан шеър тўқий бошлагани маълум бўлади.

Чун кичик ёштин манга бўлди насиб,
Назм адосида хаёлоти ғариб, —

деб ёзган эди бу ҳақда шоирнинг ўзи.

Болалигидан у Мавлоно Лутфий, Амир Шоҳий Сабзаворий, Камол Турбатий каби шоирлар билан бевосита ёки мактуб орқали мулоқотда бўлади. Жумладан, Шоҳий ҳақида: «Фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг тил муҳокамаси») асаридаги буюк форс-тожик шоирлари таъсирида ҳали шеър даражасида бўлмаган дастлабки машқлари анъанага кўра форсийда бўлганлиги ҳақидаги камтарона эътирофларидан келиб чиқсак, у бешолти ёшидан шеър тўқий бошлагани маълум бўлади.

Чун кичик ёштин манга бўлди насиб,
Назм адосида хаёлоти ғариб, —

деб ёзган эди бу ҳақда шоирнинг ўзи.

Болалигидан у Мавлоно Лутфий, Амир Шоҳий Сабзаворий, Камол Турбатий каби шоирлар билан бевосита ёки мактуб орқали мулоқотда бўлади. Жумладан, Шоҳий ҳақида: «Фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақирни орасида эълом ва ирсол воқеъ бўлди», — деб ёзади. «Ҳар ҳолда, 80 яшар бир забардаст шоир билан 12 яшар ҳаваскор боланинг хат ёзишиши боланинг адабиёт соҳасида етарли даражада тайёр бўлганлигини кўрсатади», — деган эди Садриддин Айний.

Ўн икки ёшидаёқ ўша даврдаги туркий шеъриятнинг малик ул-каломи (сўз султони) Мавлоно Лутфийнинг эътироф ва таҳсинига сазовор бўлган.

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш, —

матлали ғазалини тинглар экан, забардаст шоир:

— Қани эди муяссар бўлса, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмашар ва бу ишнинг амалга ошганини зўр муваффақият ҳисоблар эдим, — деган ҳайратини яширолмай.

Бу воқеа ёш бўлишига қарамай, ўша вақтдаёқ Навоийнинг шоирлик маҳорати нақадар юксак бўлганлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Садриддин Айний Навоий «ўн икки яшарлигида ўзини адабиёт мамлакатининг ҳуқуқли гражданларидан бири деб ҳис қилди», — деб ёзади.

Саййид Ҳасан Ардашер унинг 14 ёшида ёзган қуйидаги матлалар билан бошланадиган ғазалларини қайта-қайта ўқиб, завқланар экан:

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар...
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга...

Абусаид Мирзо ўрнига Хуросон тахтига ўтирган Абулқосим Бобур маърифатли подшоҳ бўлиб, адабиётни севар, қалам аҳлига ҳомийлик қилар, ўзи ҳам шеър ёзар эди. У ёш Алишернинг истеъдодига юксак баҳо бериб, шеърларини севиб ўқир ва камолоти йўлида ғамхўрлик қилар эди.

У 15 ёшидаёқ машҳур шоир бўлиб танилади: икки тилда бирдай маҳорат билан қалам тебратади. «Ёшлик чоғларидаёқ икки тил эгаси — туркий шевада соҳиби фан, форсийда соҳиби фазл бўлди», деб ёзади бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий. Шу тариқа, Алишер Навоий йигитлик ва шогирдлик чоғида адабиёт соҳасида устозлик даражасига етган эди. Дарҳақиқат, у йигитлигидаёқ етук ва ҳассос шеърлари билан халқ орасида машҳур бўлибгина қолмай, шеъриятни нозик теран ҳис қилар эди. Шоирлар шеър ўқиганда услубига қараб, унинг мисралари қандай қофия билан тугашини олдиндан айтиб турарди.

Айни пайтда, у илм таҳсилини бир лаҳза ҳам тўхтатмайди. Забардаст арузшунос олим Яҳё Себакнинг шогирди сабзаворлик Дарвеш Мансурдан аруз илми, замонасининг машҳур мусиқашуноси Хожа Юсуф Бурҳондан мусиқа назариясини ўрганади. Мавлоно Фасиҳиддин Низомий ҳузурида фиқҳ ва фалсафадан сабоқ олади. Шунингдек, тарих ва хаттотлик билан ҳам жиддий шуғулланади. Муаммо айтишда асрининг ягонаси бўлган Мавлоно Ҳумойи Навоийга бажонидил ушбу фандан дарс беради. Шу тариқа, Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий «ёш болалик даврининг аввалидан ҳаётининг охиригача файз ва баракали вақтининг кўп қисмини илм ва санъат таҳсилига сарф қилди. Турли билимларни ўзлаштириш ва ҳар хил фанларни ҳосил қилиш йўлида озгина фурсатни ҳам қўлдан бермади».

Шарқ халқлари дуонинг мададкор ва нажоткор кучига ишонадилар. Дуода сирли-сеҳрли бир илоҳий қудрат мавжуд деб биладилар. Улуғ зотлар дуоси эса бало-қазолардан асраб, мақсад манзилига раҳнамолик қиладиган Хизр нафасидай муқаддас саналади.

Алишер Навоийнинг ҳам дуонинг мўъжизакор қувватига сидқу ихлоси том бўлган. Яздий, Лутфий каби замона фозиллари дуолари билан ўзини сарафроз этганликларини камоли хурсандчилик ила асарларида қайта-қайта қайд этиб ўтади. Чунончи, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Лутфий ҳақида маълумот берар экан: «Бу фақир борасида кўб фотиҳалар ўқубдур. Умид улким, чун дарвиш киши эрди, баъзи мустажоб бўлғай», — деб ёзади.

Улуғлар дуоси шарофати билан буюклик чўққисига юксалган улуғ шоир ва мутафаккир, мана, неча асрдирки, ўзининг бетакрор истеъдоди ва дурдона асарлари билан нафақат туркий халқлар ёки Шарқ мамлакатлари, балки бутун олам аҳлининг ҳавас ва ҳайратига сазовор бўлиб келмоқда.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Болалар спорти

Юртимизнинг ёш чемпионлари

Пойтахтимизда шахмат бўйича 8, 10 ва 16 ёшгача шахматчилар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. Буни ушбу чемпионат давомида кўплаб янги истеъдодлар кашф этилганида ҳам кўриш мумкин.

Ўн ёшгача ўғил болалар мусобақасида пойтахтлик жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов тўққизта партиянинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ўтган йилги чемпионатда Нодирбекни ортда қолдирган Осиё чемпиони Жавоҳир Синдоров бу гал ўзаро баҳсда асосий рақобатчисига ютқазгандан сўнг, қолган партияларда унга етолмади. Натижада, Жавоҳир чемпионлик унвонини топшириб, кумуш медал билан кифояланди. Учинчи ўрин бухоролик Шоҳжаҳон Сайфуллаевга насиб этди.

Шу ёшдаги қизлар ўртасида асосий совринларни пойтахтлик Юлия Хегай, самарқандлик Севинч Алимова ҳамда мезбонларнинг яна бир вакили Лобар Раҳматжонова қўлга киритди.

Бу йил саккиз ёшгача шахматчилар ўртасида мамлакат чемпионати илк маротаба ташкил этилди. Мусобақа кашфиёти — қашқадарёлик Султон Турсунов бу ёш тоифасида биринчи чемпион сифатида эътироф этиладиган бўлди. Иқтидорли шахматчи тўққиз ўйиннинг саккизтасида зафар қучди. Осиё чемпиони, тошкентлик Исломбек Синдоров етти ярим очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир пойтахтлик шахматчи Акромхон Муродхонов бронза медални қўлга киритди.

Саккиз ёшгача қизлар баҳсида барча совринлар Тошкент шаҳри вакиллари — Моҳинур Неъматуллаева, Фарангиз Қиличева ҳамда Амина Назаровага насиб этди.

16 ёшгача ўсмирлар ўртасида мусобақани мағлубиятсиз якунлаган хоразмлик Нодирбек Ёқуббоев 7,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Мезбонлардан Одил Раҳмон ва Осиё чемпиони Ортиқ Неъматов кейинги ўринлардан жой олди.

Шу ёшдаги қизлар мусобақасида жаҳон чемпионати совриндори Баҳора Абдусатторова бронза медал билан кифояланди. Мусобақа бошидан пешқадамликни қўлга олган пойтахтлик Светлана Чайкина олтин медалга муносиб эканини исботлади. Хоразмлик Нилуфар Ёқуббоева эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Савол: ФҲДЁ органларида далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш қандай ҳолларда амалга оширилади?

Жавоб: Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси асосида тарихий ва миллий анъаналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми, отасининг исмини ёздириш истаги бўлганда;
- оталик белгиланганда;
- фарзандликка олинганда;
- ота-онанинг ўзаро келишувига кўра (шунингдек, ота-она никоҳдан ажратилганда) ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилияси ўзгартирилганда;
- миллати ўзгартирилганда;
- никоҳда турмаган она томонидан боланинг отаси ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш ҳақида ариза берилганда (бола 16 ёшга етгунига қадар);
- оталикни белгилаш ёки фарзандликка олиш суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганда;
- ота-онасининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши муносабати билан вояга етмаган боланинг фамилияси ва ота исми ўзгартирилганда;
- имло хато ва ноаниқликлар бўлганда, шунингдек, туғилган вақти, жойи ва отасининг исми ёзилмай қолганда;
- 16 ёшга тўлмаган боланинг исми ва фамилияси ўзгартирилганда, агар исми ва фамилияси ота-онасининг хоҳиши ҳисобга олинмаган ҳолда берилган бўлса;
- агар далолатнома ёзувида исми қисқартириб ёки эркалатиш шаклида ёзилган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2013 йил 31 декабрда тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»га асосан Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ариза (46-илова) ариза берувчининг яшаш жойидаги ёки тегишли далолатнома ёзуви қайд этилган ФҲДЁ органи томонидан қабул қилинади.

Далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишни ишончнома орқали амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Қабул қилинган аризалар шу куннинг ўзида Далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги аризаларни рўйхатга олиш дафтарига кирим қилиниб, ариза ва тақдим этилган ҳужжатлар алоҳида йиғма жилдга тартиб билан тикилади.

Ўн олти ёшга тўлмаган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ота-онасининг биргаликдаги ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси (48-илова) асосида амалга оширилади.

Бола ўн олти ёшга тўлиши билан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини олгунга қадар, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида имловий хатоларни тузатиш ёки исмига қўшимча киритиш боланинг аризаси, яшаш жойидан расми елимланган ҳолдаги маълумотнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг нусхаси асосида амалга оширилади.

Масалан, имловий хато билан ёзилган «Адил» деган исмни «Одил»га ўзгартириб тузатиш киритиш ёки «Азим» деган исмга «-бек» қўшимчасини киритиб, «Азимбек»ка ўзгартириш каби.

Агар шахс Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда) 15-моддасига кўра исмига «-хон», «-хўжа», «-хожи», «-бек», «-бону», «-биби», «-бегим», «-зода», «мир-», «абду-» қўшимчаларини, ота исмини ёзишда «-евич», «-ович», «-евна», «-овна», «қизи», «ўғли», «-ий», «-зода» қўшимчаларини киритишни истаса, бу ҳолат шахснинг ёшидан қатъи назар, далолатнома ёзувига қўшимча киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар далолатнома ёзувида шахснинг исми қисқартирилиб, эркалаш шаклида ёки имловий хато билан ёзилган бўлса, далолатнома ёзувига тузатиш киритиш ушбу шахснинг аризаси асосида амалга оширилади.

Масалан, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида шахснинг исми Мохчеҳра деб ёзилган бўлса — Моҳичеҳрага, Батир деб ёзилган бўлса — Ботирга ўзгартириш каби.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 218 | 22290 nusxada bosildi | 1 2 4 5